

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2013 йил 8 февраль • № 6 (923)

Видеомулоқот

ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР

Жорий йилнинг 1 февраль куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги видеомулоқоти бўлиб ўтди. Унда бевосита вазирлик мутасаддилари, етакчи клиникалар раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, тиббиёт муассасалари бош шифокорлари иштирок этди. Он-лайн мулоқотида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман тиббиёт тузилмалари раҳбарлари, қишлоқ врачлик пунктлари умумий амалиёт шифокорлари қатнашди.

Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов кириш сўзи билан очиб, кун тартибидagi биринчи масала – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси моҳияти хусусида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, ўтган йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустақамлади. Ҳисобот даврида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, шу жумладан саноат ишлаб чиқариш ҳажми – 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 7 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми – 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 13,9 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми – 14,2 фоизга ортган.

Йиғилишда мамлакатимиз Президенти соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида 2012 йилда изчил ва аниқ мақсадга қаратилган ишлар амалга оширилганлигини алоҳида эътироф этди. Чунончи, соҳа объектларининг моддий-техник негизини янада мустақамлаш учун ўтган йилда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига айлантирилиб, ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналар ва бир сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника иншоотлари фойдаланишга топширилди. Тиббиёт муассасаларини замонавий ди-

агностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун жамғарма томонидан 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Давлатимиз раҳбари репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича "ўзбек модели" БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилганлигини алоҳида таъкидлади.

Видеомулоқот кун тартибидagi иккинчи масала юзасидан сўзга чиққан вазирнинг биринчи ўринбосари Асилбек Худайров Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган фармон ва қарорлари ижроси, "Мустақам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларни шарҳлаб, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда 2013 йилда тизимга доир кўзда тутилаётган вазифалар ҳақида ҳам ахборот бериб ўтди. Ўтган даврда давом эттирилган изчил ислохотлар натижасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг мустақам меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилди, тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий ва мақбуллаштирилган ташкилий-институционал тузилмаси шакллантирилди, соҳа муассасалари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш, улар меҳнاتини рағбатлантиришнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1652-Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2012-2015 йиллар давомида қилинажак асосий йўналишдаги вазифалар белгилаб олинди. Кейинги йиллар мобайнида соҳага оид 14 қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 га яқин фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг

(Давоми 2-бетда).

Жараён

МАЛАКА ОШИРИШ:

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ



Газетамизнинг ўтган сонларида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида жорий йил бошидан бир ҳафталик ўқув курсларида таҳсил олган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги раҳбар-ҳодимларнинг ушбу жараён хусусидаги тафсилотлари ҳавола этилган эди. Айни кунларда машғулотларда жам бўлган ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг иқтисодиёт ва умумий масалалар бўйича ўринбосарлари, шунингдек санитария-эпидемиология нazorати марказлари бош шифокорлари қуйида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Алишер СЕРЖАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг иқтисодий ва умумий масалалар бўйича ўринбосари:

– Ўқув-машғулотлар ҳар бир мутахассиснинг билим доирасини ошириш билан бир қаторда сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий савиясини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Малака ошириш институти кафедрасининг тажрибали профессор-ўқитувчилари томонидан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар натижасида эришилаётган ютуқлар, келгусидаги вазифалар тўғрисида берилган маълумотлар тизимдаги ишларни янада изчиллик билан давом эттиришимизни тақозо этади, албатта.

Ўқув жараёни учун танлаб олинган ҳар бир мавзу тиббиётнинг барча йўналишларини қамраб олган десак, хато эмас.

Давлат санитария-эпидемиология нazorати марказининг ҳудудий бош шифокорлари билан биргаликда машғулотларда қатнашганимиз ҳам юртимизда эпидемик барқарорликни сақлаш йўлида амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар билан яқиндан танишиш имконини берди.

Ўқиш давомида Соғлиқни сақлаш вазирлигида ташкил этилган семинарларда ҳам иштирок этганимиз ўзига хос янгилик. Вазирлиқнинг мутасадди раҳбарлари томонидан молиявий ва иқтисодий, Инвестиция дастурлари, қишлоқ врачлик пунктларида меъёрий ҳужжатларни мувофиқлаштириш, эпидемиологик барқарорликни сақлаш каби мавзу-

лар кенг доирада ёритиб берилгани келгусидаги фаолиятимизда албатта асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Мавзуларнинг бир-бирдан долзарблиги боис ўқиш муддати кўпроқ давом этса, фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Раҳмонжон АБДУЛЛАЕВ, Наманган вилояти давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази бош шифокори:

– Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасида таҳсил олишга бўлган қизиқиш кўпчиликда йил сайин ошиб бормоқда. Мавзулар кенгайиб, соҳа йўналишлари мутахассисларининг ҳамкорликдаги иштироки бир-биримиз билан яратмоқда.

Сиёсий, молиявий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги янгиликлар, меъёрий ҳужжатлар, Инвестиция дастурлари, ахборот технологиялари бўйича кўплаб маълумотларга эга бўлдик. Алмашилган ўзаро фикрлар ҳам тизимда ечимини кутаётган масалаларни биргаликда ҳал қилишимизга катта ёрдам беради.

(Давоми 3-бетда).

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

"Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси ва Жанубий Кореядаги бир қатор госпиталлар, Германиянинг "Фриеденсдорф интернэйшнл" ташкилоти билан ҳамкорлиги самарасида туғма юрак хасталигига

чалинган, териси куйган, қўлоқ ва бошқа аъзоларида нуқсонли бўлган болалар ва аёллар бепул соғломлаштириб келинмоқда.

Ушбу ҳамкорлик доирасида туғма ва орттирилган хасталиги

бор уч нафар бемор Жанубий Кореядаги госпиталларга жўнатилди.

Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ногиронликнинг олдини олишга йўналтирилган бундай тадбирлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади.

ЎЗА.

Видеомулоқот

ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР

100 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди. Ҳукумат томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан 2012 йилда учта қонун, Вазирлар Маҳкамасининг бешта қарори лойиҳалари тайёрланди, "2013-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси жамоат соғлиғини сақлашнинг стратегик концепцияси" ва "2013-2017 йилларда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича стратегик дастур"ни ишлаб чиқиш белгиланди.

Аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасида айтиш кунда 3189 та ҚВП фаолият юритмоқда. Қишлоқ аҳолисини арзон ва сифатли доридармонлар билан таъминлашни

тирилган марказлар ва илмий-текшириш институтларининг 150 га яқин етакчи мутахассислари томонидан ўтказилган кенг тарздаги тиббий кўрик давомида деярли 150,9 минг аҳолининг саломатлиги текширилди.

Устувор вазифалардан яна бири ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш бўлиб, 2012 йилда ушбу йўналишдаги марказларда 64,4 мингдан зиёд бемор даволанган. Шулардан 20,5 мингга яқини давлат бюджети ҳисобидан даволанувчилар ҳисобланади. Йил давомида 24804 та операция ва диагностика муолажалари бажарилган, шу жумладан 15004 таси юқори технологияларни қўллаган ҳолда амалга оширилган бўлса, аввалги даврга нисбатан бу

ционар, бир миллиондан ортиғига амбулатор ёрдам кўрсатилган. "03" хизмати ва санитар авиация томонидан етти миллиондан зиёд чақириқлар ижро топди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ҳам кенг қамровли чора-тадбирлар давом этмоқда. Жумладан, 2012 йилда 12 марта та туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қиз ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиклари ташкил қилинди. Етакчи клиникаларнинг 800 дан зиёд профессор ва юқори малакали мутахассислари томонидан 2680 та ҚВП қошида 311 мингдан зиёд аёл, 210 мингдан зиёд ўсмир қиз ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Мамлакатимиз Президентининг 2008 йилдаги "2008-2012 йилларга мўлжалланган "Болаликдан ногиронликнинг олдини олиш борасида туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш Давлат дастури" тўғрисида"ги 897-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 14 та скрининг марказида 183 мингдан ортиқ наслий ва туғма касалликларга чалиниш хавфи гуруҳига қараётган ҳомиладорлар тиббий генетик текширувлардан ўтказилди. Болалар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва қамайтириш мақсадида эмлаш ишлари ижобий яқунланди. Болаларда гельминтоз тарқалишига қарши кураш бўйича стратегик дастур ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Дармон дорилар танқислигини профилактика қилиш мақсадида ўтган йилда республика миқёсида ўтказилган "Соғлом бола ҳафтаси"да беш ёшга болалар орасида витамин А саплементациясининг 18-тури ўтказилиб, 99,4 фоиз болаларга витамин А препарати тарқатилди.

қанда ахборот бериб ўтди. Қайд этилганидек, 2012 йилда бу борада бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши кураш тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилиб, биринчи ўқишдан ўтказилди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда 2007-2011 йилларда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш стратегик дастури ижро муддати яқунлаштириш муносабати билан дастур доирасида эришилган натижалар ўрганиб чиқилди.

Ҳулоса ўрнида айтилганидек, соғлиқни сақлаш тизимида бу

фокорлари билан он-лайн тарзда мулоқот қилинди. Тошкент шаҳри ва вилоят мутахассислари бевосита мажлислар залида ҳисобот беришди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги назорат инспекцияси бошлиғи Ўктам Исмаилов **давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий гоа тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 451-Қарори ижросига** эътибор қаратиб, бу борада жойларда кўлами кенг амалий ҳаракатлар йўлга қўйилганини қайд этди. Чунончи, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда. Соҳа ходимлари иштирокида мавзуга оид конференциялар,



яхшилаш мақсадида 2012 йилнинг ўзида 167 та ҚВП қошида дорихона шохобчалари очилди. Бугунги кундаги бундай шохобчалар сони 978 тани ташки қилмоқда. Шунингдек 40 та қишлоқ врачлик пунктида фитобарлар ҳам жорий этилмоқда. Айтиб ўтилганидек, бундай имкониятлар, ўз навбатида, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва ёшларни иш билан таъминлашга замин яратди.

Қишлоқ врачлик пунктларини капитал ва жорий таъмирлаш бўйича манзилли дастурларга асосан 2010-2012 йилларда ҳокимликлар билан ҳамкорликда 1268 та ҚВПда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу мақсадларга 12,3 миллиард сўмга тенг бюджет ва ҳомийлар маблағлари жалб қилинди.

1652-сонли қарор бўйича олис қишлоқларда истиқомат қилувчи 450 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 102 та ҚВП қуриш режалаштирилган бўлиб, шундан 24 таси 2013 йил Инвестиция дастурига киритилди ва ушбу мақсадларга 8,6 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Амалга оширилган самарали ишлар билан бир қаторда, йиғилишда, хусусан, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тўлақонли ташкил қилишда айрим муаммолар мавжудлиги ҳам қайд этилди. Бу борада вазирликнинг чора-тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, муаммо, шунингдек камчиликлар ҳам бартараф этилмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида 1-8 июль кунлари "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида барча вилоятлар кесимида республика ихтисослаш-

кўрсаткич 1877 тага ошган.

Бундан ташқари, онкология ва сил касалликлари профилактикаси, касалликни эрта аниқлаш бўйича кўлами кенг тегишли чора-тадбирлар амалга оширилган. Бу борада тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида 251 нафар онколог-врач касб маҳорати, 32 нафари – ихтисослаштириш курсларида таҳсил олган. Республика онкология илмий маркази бўлимлари локал алоқа марказий серверга уланиб, госпиталь регистр ҳам ишга тушган. Эндиликда бундай тизимни барча вилоят тиббиёт муассасаларида татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Бу йўналишдаги айрим ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам тўхталинди. 2013-2014 йилларда психиатрия, суд-тиббиёт экспертизаси ва наркология хизмати муассасалари моддий-техник негизини модернизация қилиш орқали аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати, беморлар учун яратилган шароитлар, дори-дармон таъминоти яхшилаш юзасидан вазифалар белгиланди.

Тиббиётнинг асосий йўналишларидан яна бири – шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати бўлиб, чунончи, ҳисобот даврида РШТЭИМ 669 минг АҚШ долларига тенг Япониянинг "Hitachi" компаниясида ишлаб чиқилган МРТ аппарати билан таъминланди. Бундан кейин ҳам нафас олиш, рақамли рентген аппаратлари, монитор, УТТ, МРТ, бошқа турли даволаш, лаборатория, ташхис қўйиш ускуналари билан қўшимча жиҳозлаш учун хорижий кредит ва грантлар жалб қилиниши режалаштирилган. 2012 йилда 9 миллиондан кўп бемор тез тиббий ёрдам хизматидан фойдаланган. Шу жумладан 730 мингдан зиёдига юқори малакали ста-

ционар, бир миллиондан ортиғига амбулатор ёрдам кўрсатилган. "03" хизмати ва санитар авиация томонидан етти миллиондан зиёд чақириқлар ижро топди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида нодавлат сектори фаолиятини тартибга солиш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги "Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 92-қарори билан тиббий фаолиятни лицензиялаш низоми тасдиқланди. Хусусий тиббиёт муассасаларига лицензия бериладиган 50 та мутахассисликлар рўйхати белгила-ниб, аввалги 70 та мутахассислик туридан 20 таси, шу жумладан акушерлик, қон томир, жағ-юз хирургиялари, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ турлари рўйхатдан чиқарилди.

Республикада эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ўтган йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, дифтерия, қочшол касалликлари рўйхатга олинмади. Карантин ва ўта хавfli юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорлик ҳам доим меъёрида сақланмоқда.

Асилбек Худаяров ушбу масалаларга тўхталар экан, эришилган ютуқлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди, шунингдек 2013 йилда бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан ахборот берди.

ОИТСга қарши кураш маркази директори Нурмат Атабеков кун тартибидеги учинчи масала юзасидан сўзга чиқиб, **республикада ОИВ инфекцияси бўйича эпидемик вазиятни янада барқарорлаштириш учун амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча чора-тадбирлар ҳа-**



борада муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан жорий этилмоқда, аммо хотиржамликка берилмасдан, хушёрликни янада ошириш зарур.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Асадин Камитов **тўртинчи масала – мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1096 ва 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги 1144-Қарорлари ижроси** юзасидан ахборот берди. Асосан репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида урғу берилиб, доимий равишда ўтказиб келинаётган "Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қиз ва болаларни соғломлаштириш ҳафталик"лари ижобий кечаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Йўналишдаги айрим камчилик ва муаммоларга ҳам тўхталинди. Айниқса оналар ва болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган туғиш ва кейинги ҳомиладорлик оралиғида реабилитация даврини ўташ, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларга айрим жойларда бифарқликка йўл қўйилаётганлиги қайд этилди. Бундай ҳолатларга ойдинлик киритиш мақсадида видеомулоқот жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари умумий амалиёт ши-

танловлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, мазкур қарор мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда семинар-машгулотлар ўтказилиши аъёнага айланган. Таъкидланганидек, айни кунларда ушбу йўналишдаги ўқув-машгулотлар бир қатор тиббиёт муассасалари негизида давом этмоқда.

Вазирликнинг электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш маркази директори Миродил Баймухамедов куннинг муҳим вазифасига айланган интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш борасида тизимдаги янгиликлар билан таништириб ўтди. **Ҳозирда замонавий технологиялар аксарият тиббиёт муассасаларида жорий этилган.** Он-лайн тадбирлари ҳам барча ҳудудларни қамраб олишга имконият яратмоқда. Шу қаторда интернет тармоғида ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш, электрон хужжат алмашуви самарадорлигини ошириш хусусида тақлифлар ҳам билдирилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабани уюшмаси марказий кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиев Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тизим ходимлари касабани уюшмаси марказий кенгаши ўртасида 2010-2012 йиллар учун тузилган икки томонлама жамоа келишувининг 2012 йилдаги ижроси ҳамда 2013-2015 йиллар учун тармок келишувини тасдиқлаш юзасидан ахборот бериб ўтди.

Ютуқлар сарҳисоби ва таҳлилий руҳда ўтган видеомулоқот сўнггида Соғлиқни сақлаш вазирлиги А. Алимов 2013 йилда тизимнинг барча йўналишларида оид устувор вазифаларга алоҳида тўхталиб, изчиллик билан амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Кун тартибидега кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.

Аждодларимиз мероси

НАВОИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТАБОБАТ ИЛМИ

Шу кунларда буюк мутафаккир шоир ва олим, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллиги кенг нишонланмоқда. Буюк аждодимизнинг бебаҳо меросини ўрганар эканмиз, барча йўналишлар қатори табобат илми ривожига қўшган беназир хизматларидан ҳам бахраманд бўламиз.

Дарҳақиқат, шеърият мулки султони Алишер Навоийнинг бизга қолдирган мероси чексиз. Унинг ижод намуналаридан бугун нафақат адабиёт ихлосмандлари, балки тиббиёт вакиллари ҳам бирдек бахраманд бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан улуғ шоир ўз даврида тиббиёт илмини ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом турмуш тарзига амал қилишда улкан тарғиботчи бўлган десак, адашмаймиз. Унинг амалий саъй-ҳаракатлари билан халқ табобати юксак даражага кўтарилди.

**Агар ҳикматқа бўлса,
илтифотинг,
Ки бўлсин Нух умрича
ҳаётинг.
Ёки ва локин тиббу
ҳикмат ҳам эрур кўп,
Ки сихатдир киши
жисмида матлуб.**

Навоий тиббу ҳикматни киши жисмида саломатликни сақлаш заруриятларидан бири деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, киши саломат бўлиши учун биринчи галда ўз мижозини билиши ва мўътадил тутиши керак. Мижознинг бузилиши касалликни пайдо қилади. Киши соғлом бўлиши учун аввало тўғри овқатланишни билиши зарур. Зарарли нарсаларни ейиш ва ичишдан доимо тиийилиши керак. Навоий ебичишнинг қандай бўлиши ва бу соҳада энг тўғри йўл қайси эканини ажойиб мисралар орқали баён қилади. Овқатланиш қоидаси шуки, киши роса тўйиб қолмасдан ейишни бас қилиши, еган таоми ҳазм бўлмасдан устига овқат емаслиги лозим.

Бундан ташқари, Навоий табиб қандай бўлиши кераклиги, одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш қандай ташкил этилиши лозимлиги ҳақида асарларида мухтасар тўхталиб ўтган. Фақат табобат тўғрисида фикрлар билдириб қолмасдан, амалда бу борада катта ишларни ҳам бажариб, улуғ инсонийлик намунасини кўрсатган.

Тарихдан маълумки, Алишер Навоий ўз фаолияти давомида табиблик ишини ривожлантириш ва беморлар соғлигини тиклаш мақсадида махсус шифохона қурдиради. Унинг номи, Хондамир таъбири билан айтганда, «Дор-уш-шифо» дея юритилган. Бу ҳақда Хондамир «Хулосат ул-Ахбор» китобида шундай ёзади: «Навоий Ўрта аср Шарқ табобатининг қуёши Абу Али ибн Синони ўзининг «Ҳайратул Абзор» асарида ақл рамзи, яъни «Алийи фик-

рат» деб улуғлайди. У табобат намоёндаларини қўллаб-қувватлабгина қолмай, балки уларнинг ёрдамига муҳтож халққа хайрли хизмат кўрсатиши учун ҳам қулай шарт-шароит яратиб берган. Навоий Ҳиротда алоҳида жамоа шифохонаси ташкил этиб, унда табиблар беморларни даволаш ва талабаларга тиббиёт илмидан дарс бериш билан ҳам машғул бўлган». Шифохонага қуйдагича изоҳ берилган: «Масжиди жоменинг жанубида Дорушшифо бўлиб, у бағоят латофатли ва ниҳоятда назофатли қилиб қурилган. Бу жаннат нишон бинолар орасида Кавсар мисол бир ҳовуз қурилган бўлиб, Ҳизр қадамли ҳақимлар ва Исо нафаслик табиблар доимо беморларни даволаш ва ғарибларнинг касалини шифолаш билан машғулдирлар. Даволар ва овқатлардан нималар керак бўлса, бу қутлуғ маконда шай ва ҳозирдир...»

Алишер Навоий инояти билан ўша даврда Мавлоно Низомиддин Абдулхай, Мавлоно Муъин, Мавлоно Гиёсиддин Муҳаммад Сабзаворий, Мавлоно Дарвишали, Мавлоно Абдулхай Туний каби машҳур табиблар етишиб чиққанки, улар тиббиёт илмини ривожлантиришда ушбу «Шифоия»да узоқ вақт фаолият кўрсатган. Таъкидлаш жоизки, Навоий даврида ва унга қадар ҳам Ҳиротда аҳоли саломатлиги йўлида кўп хайрли ишлар бажарилган.

Ҳазрат Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ёзишича, «Табиб шифокор ўзининг асл илмини яхши билмоғи, табиатдан ҳам, муомалада ҳам раҳм-шафқатли бўлмоғи лозим. Устозлари сўзига риоя қилмоғи, уларга эргашмоғи даркор. Мулоим сўз билан бемор кўнглини кўтариб, муолажага киришмоғи керак». Лекин шу ўринда алломанинг яна бир фикри эътиборимизни ўзига жалб этади: «Табиб ўз касбига моҳир бўлсада, бунинг баробарида бадфеъл, лоқайд ва кўполлик билан беморни ҳар қанча даволаса ҳам, нажот кутган инсон соғлигида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди».

Демак, Навоий том маънода табобатнинг ҳақиқий тарғиботчиси ва моҳир билимдон бўлган. Маърифатпарвар шоир, сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг табобат ва табиблар ҳақида ёзган байт, доно фикр ва мулоҳазалари замондошларимизгагина эмас, балки кейинги авлодлар учун ҳам бой мерос бўлиб қолади.

**Намоз ТОЛИПОВ,
журналист.**

Жараён

МАЛАКА ОШИРИШ:

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Назарий билим олиш билан бирга бевосита Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази фаолияти билан яқиндан танишдик. Марказнинг малакали мутахассислари томонидан республикада карантин ва ўта хавfli инфекциялар долзарб муаммолари, вирусли гепатитлар, тиф-паратиф, сальмонеллэз, шигеллэз устидан эпидемиология назоратини янада такомиллаштириш, ОИВ



инфекцияси бўйича профилактик чора-тадбирлар, аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш, шунингдек санитария-гигиена, радиология лабораториялари иш тартиби юзасидан семинарлар ташкил этилгани биздаги маълумотлар доирасини янада кенгайтирди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, вазирлик ва малака ошириш институти томонидан ўқиш жараёнлари изчил ўтиши учун барча шароитлар яратилган. Шунга ҳам амин бўлдики, тиббиёт вакиллари учун узлуксиз таълим жорий этилиши авваламбор кундалик янгиликлардан доимий бохабар бўлишимизда кўл келмоқда. Эътироф этиш жоизки, буларнинг бари мустақиллигимиз шарофати билан соҳа мутахассислари фаолиятига қаратилаётган катта эътибордир.

Шу ўринда бир таклиф. Хорижий давлатларда ўтказилган илмий-амалий анжуманлар, семинарларда мунтазам иштирок этиш имконияти бўлса, касб маҳоратимиз янада ортар эди.

**Саидмурод САЙДАЛИЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазири
ўринбосари:**

– Узлуксиз таълимнинг мутахассис фаолиятида ўрни муҳим аҳамиятга эга. Авваламбор

бундан ўз устида ишлашга масъулият ошиб, имкон яратилади.

Тўрт йилдан буён Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедрасида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбар-ходимлари тизимни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш бўйича ўз малакаларини ошириб келмоқда.

Бу йилги ўқув режаси ўтган йиллардагига қараганда фарқ қилади. Машғулотлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари ўринбосарлари, назорат инспекцияси бошлиқлари, Давлат санитария-эпидемиология маркази ҳудудий бош шифокорлари билан биргаликда ўтилаётгани ижобий натижаларни бермоқда.

Бевосита вазирликда ташкил этилган семинарларда тингловчилар долзарб мавзулар бўйича маърузалар тинглагани ҳам янгича ёндошувдир. Малака ошириш жараёнида, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари эпидемиологик барқарорлик бўйича етакчи мутахассислар томонидан эшит-

Дарҳақиқат, бундай машғулотлар тиббиёт тизими бундан юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

тирилган эмлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, даволаш-профилактика муас-сасалари олдидаги вазифалар, ОИТС касаллигини бартараф этиш чора-тадбирларига оид маълумотлардан бохабар бўлишди.

Ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, Давлат санитария-эпидемиология маркази бош шифокорлари ҳам карантин, ўта хавfli, мавсумий касалликлар, вирусли гепатит, Республика ДСНЭМ, вирусология, бактериология лабораториялари фаолияти, ОИВ инфекцияси каби мавзуларда ахборот олишди. Машғулотларни Карантин ва ўта хавfli касалликлар муҳофаза-си маркази, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар ҳамда Вирусология илмий-текшириш институтлари, ОИТСга қарши кураш марказининг тажрибали профессор-ўқитувчилари олиб борди.

**Фаррух ШАРИПОВ,
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги моддий-техник
негизини ривожлантириш
бош бошқармаси
бошлиғи:**

– Машғулотлар давомида тингловчилар вазирликда ўтказилган семинарларда фаол иштирок этишди. Эътиборлиси, ҳар бир раҳбар ўз фаолияти мисолида Инвестиция дастури доирасида 2012 йилда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник негизини такомиллаштириш, замонавий даволаш-ташхис асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, қурилиш ва реконструкция қилиш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан тақдимот ўтказди. Оптимизация ишларига ҳам алоҳида урғу қаратилди. Бундан ҳамма катта таассурот олди.

Фикр ва амалий тақлифларга бой бўлган бу каби учрашувлар келгусида ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Ёшлар тарбияси – муҳим масала

Наманганда Фарғона водийси ёшларининг минтақавий конференцияси бўлиб ўтди.

Ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган ахборот-тушунтириш ишлари самарадорлигини ошириш, бу борада жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ёшларни оммавий маданият, мафкуравий хуржлар, диний экстремизм каби иллатлар таъсиридан асраш мақсадида ўтказилган мазкур тадбирда Фарғона водийси вилоятла-

рида ёшлар масалалари бўйича жамиятнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган мутахассислар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ёш авлодни “оммавий маданият”, диний ақидапарастлик, ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва кашандалик каби инсон ва жамият ҳаёти учун зарарли иллатлардан асраш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

А. САТТОРОВ.

Соғлом турмуш тарзи

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Оила – муқаддас даргоҳ. Оиланинг асосий вазифаси инсоният занжирида соғлом ва иқтидорли авлодлар давомийлигини таъминлашдир. Дарҳақиқат, жамият никоҳ воситаси билан эркак ва аёл ўртасидаги табиий муносабатларни тартибга солиб туради, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар орасида ахлоқий, ҳуқуқий мажбуриятлар ўрнади. Никоҳ натижасида оилалар ўртасида қариндошликлар юзага келади.

Инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлатда оилага қуйидагича таъриф бериллади: "Оила жамиятнинг табиий ва асосий бўғини бўлиб, юридик маънода никоҳ қариндошлик, фарзандликка олиш ёки бошқа шаклларда болаларни доимий тарбияга олишдан келиб чиқадиган тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланган шахслар доирасидан иборат бўлган миллий мустақиллик мафкураси, умуминсоний қадриятлар ва шарқона анъаналарга асосланган оилавий муносабатларни ривожлантириб, унинг мустаҳкамлигига қаратилган фуқаролар иттифоқидан иборатдир".

Жамият ва давлат оилани, оталик, оналик, болаликни ҳимоя қилади, оилавий муносабатларга умуминсоний ва миллий қадриятлар жорий этилишини таъминлайди. Олимларнинг фикрича, одамлар ҳаётининг асосий йўли оила-

дир. Оила инсон учун меҳнат қобилиятини тиклаш, дам олиш жойи, шунингдек, муҳим тарбиячи ҳамдир.

1998 йил 30 апрелда Олий Мажлис томонидан Оила кодекси тасдиқланди. Утган давр мобайнида оила билан боғлиқ яна эллика яқин қонун, давлатимиз раҳбарининг йигирмага яқин фармон, қарор ва фармойишлари, ҳукуматнинг етмишдан ортиқ қарор ва фармойишлари қабул қилинди. "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилгани ҳам бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Фарзандларимиз жисмонан, руҳан, тиббий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тайёр бўлишини инobatга олсак, қизларимиз 21-22, йигитларимиз 23-25 ёшда оила қуриши мақсадга мувофиқ, қолаверса, бу ёшда улар бирор касб эгаси бўлиб, оила юмушларини бажаришда ўзини тутиб олган ҳисобланади.

Никоҳ аввало фарзанд кў-

ришдек мураккаб физиологик жараёнлар билан алоқадор. Шу боис эрта қурилган турмуш кўп ҳолларда пуштсизлик, боланинг ой-куни етмай туғилиши ёки ҳомила нотўғри ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Илмий маълумотларга кўра, қизлар ва йигитлар деярли 20 ёшдан кейингина анатомик ва физиологик жиҳатдан бутунлай камолотга етади. Тиббий жиҳатдан 17 ёшли қизларга таъриф берсак, ҳали физиологик ривожланиши охирига етмаган, тос суяклари ривожланиш босқичида бўлади. Шу даврда ҳомиладорлик рўй берса, ҳомила ривожланиши, туғруқ жараёни жуда оғирлик қилади. Шунинг учун эрта никоҳнинг олдини олишга доир мактаб, коллеж ва лицейларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришимиз лозим.

Республикада бу ишларга жуда катта эътибор берилиб, чунончи, ҳар ойнинг иккинчи етти кунлигида "Саломатлик ҳафталиклари" ўтказилиши анъанага айланган. Шунинг ҳам айтаётганимиз, Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 2003 йил 25 августдаги 365-қарори билан "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги низом тасдиқланиб, амалиётда жорий этилган. Ушбу низомга асосан оила қуриш оstonасида турган ёшларимиз руҳий, наркологик, захм, сил, ОИВ/ОИТС касалликларига текширилиб, кўриқлар бепул ўтказилади. ФХДЁ бўлимлари қошида никоҳланувчи шахслар учун ташкил этилган мактабларда етакчи мутахассислар томонидан тиббий, юридик, ижтимоий-иқтисодий маслаҳатлар бериб келинмоқда.

Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлган оила ҳаётимиз таянчи ва суюнчи, жамиятнинг ҳал қилувчи асосий бўғини ҳисобланган. Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан 2012 йил – Мустаҳкам оила, 2013 йил – Обод турмуш йили деб эълон қилинишида катта маъно-мазмун мужассам. Бу борада амалга оширилган ва қилиниши лозим бўлган ишлар замирида "Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир" деган эзгу тамойил ўз ифодасини топиб келмоқда.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола са-

ломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиумда ҳам оилаларда соғлом муҳитни яратиш, болалар, ўсмирлар, оналар саломатлигини сақлашнинг юксак натижалари эътироф этилгани эзгу мақсадларимизнинг амалий исботи бўлди.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан ҳам жойлардаги тиббиёт муассасалари ҳамкорлигида оила, маҳалла, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юрларида эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларини тушунтириш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадбирларда фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар кўмитаси, ФХДЁ, "Камолот" ЁИҲ, оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтмоқчимизки, жисмонан ва руҳан соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни комил инсон қилиб тарбиялаш учун ёшларимиз ота-оналари қаторида мутахассисларнинг маслаҳатларига ҳам риоя этса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зулхумор МУТАЛОВА,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ҚЎРҒОНИ

XXI асрнинг ўзига хос хусусиятларидан бири инсон онгу тафаккурини ахборотлар силсиласи билан қамраб олиш орқали гоёвий таъсир майдонини кенгайтиришдир. Бу асрга келиб "уруш" ҳақидаги эски иллюзиялар емирилиб, мафкура майдонларида янгича талқин пайдо бўлди. "Найзалар" замони, "писта милтиқлар" давридаги урушдан фарқли равишда ақл ва гоё ўртасидаги кураш кўз билан кўриб бўлмайдиган, ярқ этиб кўзга ташланмайдиган, қаерда ёки қандай намоён бўлиши аниқ бўлмаслиги билан тавсифланади.

Мутахассислар XXI асрни бежизга "тарғиботлар асри", "ахборот асри" деб атамаган. Сабаби анча камҳарж, камчиқим, жавобгарликдан ҳоли, аммо таъсир кўлами кенг бўлган ахборот урушининг мафкуравий, маънавий зарари беқиёс.

Аслида тарғибот, ташвиқот нима? Манбаларга қараганда, тарғибот (лот. propaganda – тарқатилиши керак бўлган маълумот, ўзаги – "рағбат") – бирор гоё, таълимот, фикр ва қарашни аҳоли ўртасида кенг ёйиш, кишилар онгига синдиришга қаратилган, аниқ мақсадни натижасида эса катта манфаат кўрадиган кучлар ҳам пайдо бўлди.

Кўхна дунё жуда кўп бузғунчи, вайронкор гоёлар тарғиботини кўрди, жабрланди ҳам. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, орадан 67 йил ўтган бўлсада, инсоният анна шундай вайронкор гоёлардан бири фашизм келтирган офат-кулфатлар жабрини унутгани йўқ. Иккинчи жаҳон урушида фронт доирасида олтишдан ортиқ давлат иштирок этган бўлсада, лекин юздан зиёд мамлакат жабр кўргани тарихдан яхши маълум. Уруш оқибатида

тарғибот фаолияти демакдир.

Бундан англаймизки, муайян фикрни тарғиб ва ташвиқ қилиш орқали одамларни маълум бир фаолиятга рағбат, шавқ уйғотиш билан йўналтириш мумкин. Масаланинг энг нозик жиҳати – ўша фикр (йўналиш)нинг ижобий ёки салбийлигида. Шу боисдан бугунги асрда ахборот табиий бойликлар қаторидаги стратегик ресурслардан ҳисобланади. Ахборот қудратли кучга айланган. Бу қурол ёрдамида ҳарбий куч билан амалга ошириб бўлмайдиган мақсадларга эришиш мумкин. Ахборотнинг вайронкор қуролга айланиши натижасида эса катта манфаат кўрадиган кучлар ҳам пайдо бўлди.

Ҳануз фашизм, большевизм, шовинизм, ирқчилик гоёларини кучайтириб, миллатлараро тотулик, ҳамжиҳатликка қарши кураш уюштиришга уринаётган кучлар борлигидан бугун огоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак. Ҳозирги кунда дин никоҳи остида фаолият юритаётган диний экстремизм, халқаро терроризм, эътиқод қалъаларини емирувчи миссионерлик ва прозелитизм, "демократия", "оммавий маданият" каби турли оқимлар XXI аср технологиялари билан қуролланган ҳолда тарғиб этиляпти, глобаллашяпти ҳам. Восита, шакл ва мақсадлари ўзгариб, ҳар хил номларда аталаётган бўлсада, аслида бундай ҳаракатлар замирида фақат инсониятга ҳавф туғдурувчи гоёлар тарғиботи ётибди. Одамлар тинчлигини бузиш, барқарор тараққиётга халал беришга йўналтирилган, миллий манфаатларимизга қарши қара-

тилган бундай маънавий таҳдидларни қоралаш билангина биз чеклана олмаймиз. Айна пайтда бу ҳаракатлар ортида турган кучлар мақсадларини фош этиш, айниқса таҳдидларнинг асосий объекти бўлган ёшларимизнинг маънавий иммунитетини шакллантириш долзарб масаладир. Вайронкор гоёларнинг салбий оқибатларини оила даврасида болаларга тушунтириш, никоҳ ортидаги асл ёвуз мақсадлар моҳиятини очиб ташлаш, доимо огоҳ, ҳушёр, зийрак бўлишимиз лозим. Фарзандларимизга ҳар қандай ахборотларга чалғимасдан, интернет сайтларидан ўзларига фойдала, керакли маълумотларни олишларини уқтириш, бунинг учун эса уларда маънавий иммунитетни шакллантиришга ота-она, устоз, кўни-кўшни – ҳамма бирдек масъул эканлигини унутмаслиги керак.

Бу борада айниқса оилада гоёвий тарбиянинг аҳамияти катта. Ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги муҳим ўрни ҳақида буюк мутафаккирларимизнинг фикрлари ибратдир. Жумладан, Абдурауф Фитрат "Ҳар бир бола гўдаклигидан онасининг тарбиясига маҳкум, бинобарин, биз дастлабки тарбияни ўз онамиздан оламиз. Шу сабабли оналаримиз билимли бўлсинлар", дейди.

Дарҳақиқат, инсон оилада туғилади, тарбия топади, шаклланади. Демак, фарзанд камолга етиши ўша оиланинг маънавий даражасига боғлиқ. Агар оиладаги маънавий иқлим мўътадил, тароватли ва меҳриб бўлса, бу оилада ақл-

заковатли, соғлом, моддий ва маънан бақувват фарзандлар тарбияланади. Маънавий етук фарзанддан эса оила ҳам, эл ҳам бирдек манфаатдор.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида бу ҳақда қуйидагича фикр билдирилган: "Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин... Ўз-ўзидан равшанки, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдими, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

Л. САОДАТОВА,
Н. ТОЛИПОВ.

(Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг молиявий кўмагида тайёрланди).

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида барча замонавий қулайликларга эга "Astro peigomed" даволаш-диагностика маркази фаолият бошлади.

Ушбу хусусий клиникани ишга

Хабар

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

туширишда "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки Янгиер шаҳар бўлими томони-

дан ажратилган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағидан самарали фойдаланилди.

Клиникада умуртқа поғонаси билан боғлиқ касалликлар замонавий аппаратлар ёрдамида сама-

рали даволанмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ерда қўлланилаётган даво усули касалликни асоратсиз даволаш, жарроҳлик операциясининг олдини олиш имконини беради.

А. МУСТАҒОҚУЛОВ.

Қарор ва ижро

МЕҲР МАНЗИЛЛАРИ САРИ

Ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика марказида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Республикамининг барча ҳудудларидан соҳа мутахассислари иштирок этган семинарда мустақиллигимизнинг мазмун-моҳияти, ўтган давр мобайнида ҳар бир жабҳада эришилган ютуқларга тўхталиб ўтилди. Шунинг баробарида асосий урғу фуқаролар онгидаги ўзгаришларга, уларда шаклланган Ватан тақдир ва истиқболга дахлдорлик ҳисси авваломбор жамият пойдевори бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, тинчлик ва тотувлиқни асраб-авайлаш, соғлом турмуш кечириш каби кундалик эзгу ташвишларда ёрқин ифода топаётганига берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш тўғрисида"ги 451-қарори ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи қабул қилиниб, ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар белгилаб олинган эди. Ўтган вақт давомида соғлиқни сақлаш тизимида маънавий-маърифий доирада ҳам турли тадбирлар, шу жумладан конференциялар, кўрик-танловлар, билим кўникмаларини оширишга

қаратилган мавзуй семинарлар мунтазам ташкил этиб борилди.

Навбатдаги семинар ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми сифатида кенг аудиторияни қамраган ҳолда ўтказилди. Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика маркази директори Насриддин Муродов

масаласи бугунги глобаллашув даврида ўта муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу борада оила, маҳалла, кенг жамоатчилик, ўқув муассасаларида кўплаб давлат ва жамоат тузилмалари зиммасидаги каби соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари иштирокида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари йўлга қўйилган.

– Шу ўринда инсонга хос хотира туйғуси ҳақида гапирадиган бўлсак, албатта Юртбошимизнинг ўтган йили Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимда билдирган фикрлари нақадар долзарблигини яна



ушбу фикрларда тўхталар экан, ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар онгида миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат ва меҳр туйғусини шакллантириш

бир бор англаймиз, – дейди **Ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика маркази Жиззах вилояти ҳудудий бўлими маънавий ва маърифий**



ишлар бўйича директори ўринбосари Ф. Курбонова. – Дарҳақиқат, тарихий хотира инсонни беғамлик, бефарқлик ва ғафлатдан уйғотади, зийракликка ҳам ундайди. Бу борада бадий ва оммабоп адабиётлар, тарихий китоблар ва албатта Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарлари асосий манба бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Оилада шаклланган муҳит ҳам катта аҳамиятга эга.

– Ҳақиқатан ҳам жамиятимиз асоси бўлган оиланинг биринчи навбатда жисмонан соғлом, маънавий етук авлодни тарбиялашда, турмуш қуриш остонасида турган ўғил-қизларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳам ҳимоя қилиш, ҳам қўллаб-қувватлашда роли бўлақча. Бежиз оила институтини анъаналаримизга мос ривожлантириш масаласи дав-

лат сиёсати даражасига кўтарилмаган. Мамлакатимиз Президентини томонидан тасдиқланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган кўплаб дастурлар замирида ҳам оила, хусусан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, баркамол авлодни шакллантириш ғоялари муҳимдир, – деди **Ўрта тиббиёт ва доришunos ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш республика маркази Навоий вилояти ҳудудий бўлими маънавий ва маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари Д. Кўчқорова.**

Семинар қатнашчилари мавзуга доир мулоқотда фаол иштирок этиш баробарида барча қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан жавоб олиш имкониятига эга бўлди.

Ушбу мавзудаги семинар Бухоро вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қошидаги ҳамширалар кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари, даволаш-профилактика муассасалари бош ҳамширалари, Бухоро, Қорақўл, Ғиждувон ва Пешку тиббиёт коллежларининг амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этди.



Семинарни олиб борган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари А. Шарипов давлатимиз раҳ-

барининг 2006 йил 25 августдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда олиб борилган ишлар хусусида ахборот бериб ўтди. Таъкидланганидек, жойларда

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, фарзандлар қалбига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш борасида кенг кўламда ишлар қилинмоқда.

Жумладан, "Устоз-шогирд" анъанасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида тиббиёт коллежлари, бошқарма тизимидаги муассасаларда ўқувчилар, ёш мутахассислар келажақда ўз касбининг етук устаси бўлиб шаклланиши учун ҳар томонлама қулайликлар яратишга эришилмоқда.

Семинарда шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларида узлуксиз касбий таълим жараёнларида изчилликка эришиш, кириш-чиқиш ҳужжатлари билан ишлаш, бу борада ижро интизомини таъминлаш масалалари юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди.

Маъмурахон САФОЕВА, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамширалик иши бош мутахассиси.

Тошкент тиббиёт академиясида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир буюк аждодларимиз Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд топган кунларига бағишланди.

Тадбирни очган ТТА проректори Турдикул Бобомуродов Юртбошимиз раҳнамолигида буюк алломаларимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаш, ўрганиш, улардан ёшлар тарбияси йўлида фойдаланишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, XV асрда туғилиб, ижод қилган аждодларимиз асарларини ўрганиш, ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

– Навоий ва Бобурнинг инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган аксарият асарлари фарзандларимизни ватанпарварлик, фидойилик, эзгуликка чорлаши, маънавий камолот сари етаклаши билан алоҳида аҳамият касб этади, – дейди **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Нодирбек Ғафуров.** – Бу улкан меросдан баҳраманд бўлаётгани боис ёшларимиз маррани баланд олиб, жаҳон, қитъа, олимпиадаларда юқори чўққиларни забт этишмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар Навоий ва Бобурнинг маънавий баркамоллик, фидойилик, поклик, олижаноблик каби боқий фазилатлар қуйланган асарлари ҳамиша замонавийликни, алломаларимизнинг бизга қолдирган мероси баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсадларга доимо чорлаб бораверишини эътироф этишди.

Диёра БОЗОРОВА.

Атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлиги

Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан 2012 йилда саккиз юздан зиёд тадбир ташкил этилди.

Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси борасидаги халқаро ҳамкорлик тобора кенгаймоқда. Қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. Чунинчи, "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Барча ҳудудларда янги қонун лойи-

ҳаси юзасидан ўтказилган жамоатчилик муҳокамасида йигирма мингдан зиёд аҳоли иштирок этди.

Бу ҳақда Экологик ҳаракатнинг ўтган йилдаги фаолияти сарҳисобига бағишланган йиғилишда батафсил ахборот бериб ўтилди, шунингдек экологик тадбирлар кўламини янада кенгайтириш, қонунчиликни такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан атрофлиқа фикр алмашилди.

Б. ХИДИРОВА.

«Экосан» сарҳисоби

"Экосан" халқаро жамоат фонди томонидан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида муайян ишлар қилинди.

Экологик саналарга бағишлаб Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, олий ўқув юртлари, бошқа бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида "Экология ва саломатликнинг мустаҳкам оила шаклланишидаги ўрни", "Экология ва ёшлар", "Барқарор экология – бизнинг келажагимиз", "Баркамол авлод шаклланишида соғлом турмуш тарзининг аҳамияти", "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жараёнига жалб қилиш орқали ёшларнинг экологик билимини ошириш" мавзуларида кўплаб таълим муасса-

саларида учрашувлар, давра суҳбатлари ва "очик дарс"лар ўтказилди. Ушбу тадбирлар доирасида "Анъаналарни тикла, дарахт эк!" шиори остида талаба-ёшлар томонидан ўқув юртлари ҳудудларида кўчатлар экилиб, "Ёш экологлар" боғлари ташкил этилди.

"Экосан" томонидан "Экология ва саломатлик жамоатчилиги нигоҳида", "Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи", "Иқлимтойнинг ажойиб саргузаштлари", "Экология" каби китоблар нашрга тайёрланди.

Миркарим МИРСОВУРОВ.

Комментарий специалиста

ЭЛИМИНАЦИЯ МАЛЯРИИ

В связи с возможным завозом инфекции из приграничных стран профилактика малярии остается одним из приоритетных направлений отечественного здравоохранения. Мероприятиями по противодействию малярии охвачены все регионы республики. Основное внимание уделяется территориям, граничащим с Таджикистаном, Кыргызстаном и Афганистаном.

В течение последних пяти лет из зарегистрированных случаев малярии 71 процент составили завозные случаи. В результате проведенных мероприятий удалось снизить заболеваемость малярии до единичных случаев, за последние два года не зарегистрировано случаев с местной передачей инфекции, прервана передача малярии в Сурхандарьинской области. Оздоровлены активные и остаточные очаги малярии в Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях.

В республике продолжают мероприятия по элиминации малярии. В соответствии с приказом Минздрава от 15 апреля 2011 года за № 117 обновлена стратегическая национальная программа по элиминации малярии. В порядке эпидемиологического надзора с целью раннего выявления больных малярией учреждениями лечебной и профилактической службы ежегодно выявляются и находятся на диспансерном учете более 30 тысяч человек, прибывших из неблагополучных по малярии местностей.

Ежегодно исследуются около 800 тысяч препаратов крови. Улучшилось качество клинической диагностики малярии. В последние годы ранняя диагностика заболевания (в первые три дня с момента обращения за медицинской помощью) была обеспечена в 75-100 процентах случаев против 45 процентов в 2000 году.

В рамках борьбы с переносчиками малярии по энтомологическим показателям ежегодно обрабатывается до 11-16 млн. кв. м помещений, до 6-8 тысяч га водоемов, заселяется гамбузией более 4 тысяч га водоемов.

По данным отчетов учрежденный Министерством сельского и водного хозяйства, представленных в ЦГСЭН, ежегодно проводятся санитарно-гидротехнические мероприятия с целью сокращения мест выплода комаров (очистка межхозяйственных коллекторов, водоемов, осушка заболоченностей и др.). Продолжается подготовка кадров на различных уровнях, укрепление службы здравоохранения, связанной с лечением и профилактикой малярии, си-

стемы эпидемиологического надзора, поддержке научных исследований по различным аспектам профилактики малярии.

В 2011 году Узбекистан подписал "Совместное заявление о трансграничном сотрудничестве в области элиминации малярии между Казахстаном, Кыргызстаном, Таджикистаном и Узбекистаном", которое было утверждено на межстрановом совещании представителей указанных стран, состоявшемся 1-2 ноября 2010 года в Бишкеке (Кыргызстан). Цель данного заявления направлена на укрепление трансграничного сотрудничества и активизации совместных усилий, направленных на элиминацию малярии в Кыргызстане, Таджикистане и Узбекистане и предупреждение ее восстановления в Казахстане.

В рамках реализации грантового проекта Глобального фонда "Закрепление достигнутых результатов и поддержка мероприятий по элиминации малярии в Республике Узбекистан на 2010-2014 годы" силами специалистов ЦГСЭН на местах организованы информационно-ознакомительные семинары по профилактике малярии для санитарных активистов. Основное внимание было уделено Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областям, где ранее были зарегистрированы остаточные очаги маля-

рии.

В данных регионах для защиты уязвимого населения от укусов комаров и предупреждения заражения малярией были распределены 63 000 палочков, в том числе в 2012 году 70 тысяч палочков, пропитанных инсектицидами длительного остаточного действия. Палочками были также обеспечены специалисты ГАЖК "Узбекистон темир йуллари", занятые на строительстве железной дороги на территории Афганистана. Использование палочков позволило повысить эффективность мероприятий против переносчиков малярии и способствовало перерыву местной передачи инфекции.

Также продолжалось укрепление материально-технической базы паразитологических лабораторий ЦГСЭН и клинических лабораторий лечебно-профилактических учреждений химическими реактивами, предметными стеклами, скарификаторами. За счет грантовых средств для обеспечения качественной лабораторной диагностики малярии в лабораториях ЦГСЭН и инфекционных стационаров приобретены и распределены биологические микроскопы для исследования препаратов крови и стереоскопические для энтомологических исследований.

Проводится работа по укреплению энтомологической службы

ЦГСЭН, особенно приграничных, закупаются инсектициды для проведения истребительных мероприятий против переносчиков малярии, автомаски, эксгаустеры, спец. одежда и др. В целях обеспечения паразитологической службы оперативным транспортом приобретены 8 автомобилей марки "Дамас" и распределены в 7 обл. ЦГСЭН приграничных регионов и НИИ-ИМП им. Л.М. Исаева, в паразитологические отделения ЦГСЭН приграничных областей распределено 14 грузовых трехколесных мотоциклов и 300 велосипедов.

Ежегодно 25 апреля международное сообщество отмечает как Всемирный день борьбы с малярией. В нашей стране к этой дате приурочиваются мероприятия, направленные на повышение информированности населения, по местному телевидению в регионах демонстрируется специальный видеофильм, проводятся беседы и лекции в учебных заведениях, трудовых коллективах, по месту жительства.

И. ТЁ,
заведующий отделением
паразитологии
Государственного
центра санитарно-
эпидемиологического
контроля Минздрава РУз.
С. ЦАЙ,
врач-паразитолог.

Мутахассис огоҳлантиради

БЕДАВО КАСАЛЛИКДАН САҚЛАНТИРИШ

Кутуриш – иссиқ қонли ҳайвонлар ҳамда одамда учрайдиган ўта хавfli юқумли касаллик ҳисобланади. Инсониятга қадимдан маълум бўлган бу касаллик муқаддам "гидрофобия", яъни "сувдан қўриқиш" деб номланган. Машҳур француз олими Луи Пастер 1884 йилда биринчи бўлиб кутуриш касаллигига қарши вакцина ишлаб чиққан ва бу вакцинани ит, бўри тишлаган одамларни кутуришга қарши эмлаш учун биринчи бор қўллаган. Оламшумул ушбу кашфиёт бугунги кунда ҳам дунёда кенг қўллаб келинмоқда. Махсус санитария қонун-қоидалари ишлаб чиқилиб, татбиқ этилиши натижасида Норвегия, Швеция, Дания, Англия ва бошқа Европа давлатларида кутуриш касаллиги батамом тугатилган. Одамлар ўртасида қайд этилаётган кутуриш касаллигининг 95 фоизга яқини Африка ва Осиё қитъалари мамлакатларига тўғри келади. Республикамизда кутуриш касаллиги одамларда аҳён-аҳён бўлсада, аммо учраб турибди.

Кутуриш касаллигини асаб тизими-га таъсир қиладиган нейротроп вирус-лар кўзгатади. Ушбу вирус сақловчиси ва манбалари ёввойи ҳайвонлардан бўри, чиябўри, тулки, кемирувчилар, кўршапалак, уй ҳайвонларидан – ит, мушук кабилар ҳисобланади. Республикамизда одам учун кутуриш касаллиги кўзгатувчиси манбаи ўртача 95 фоиз ҳолатларда ит, беш фоизгача – мушук ва бошқа ҳайвонлардир. Касаллик одамга асосан ҳайвонлар тишлаши, айрим ҳолларда – тирнаши ва сўлаклаши натижасида юқади. Ҳайвондан ҳайвонга ҳам юқади, бироқ одамдан одамга ва одамдан ҳайвонга юқмайди. Кутуриш ҳар хил ҳайвонларда турлича кечади. Итларда касалликнинг яширин даври, яъни касаллик вирусини ит организмига тушганидан токи касалликнинг илк аломатлари рўёбга чиққунга қадар бўлган давр: икки ҳафтадан 8 ҳафтагача давом этади, баъзида бу давр саккиз ойгача чўзилиши мумкин. Касалликнинг биринчи кунлари ит эгасига итоат этмайди, ёнига чақирса келмайди, яшириниб, ўзини олиб қочишга ҳаракат қилади, бирданига ўзгариб қолади. Кейинчалик ит еб бўлмайди-ган, яъни дуч келган тош, дарахт, латта ва бошқа нарсаларни ғажий бошлайди. Оғзидан кўп сўлак оқади, ҳуриши ўзгаради, бўғиқ бўлади. Тўғри йўналишда чопиб, дуч келган нарсага, шу жумладан ҳайвонлар ва одамга ҳам ташланиб, тишлайди. Шундай ҳолатда ит бир кунда 50 километргача масофани босиши мумкин. Лекин борган сари ахволи оғирлашади, оёқларида фалаж

бошланади, беш-олти кун ўтгач, ўлади. Мушукларда кутуриш касаллиги тўсатдан кўзгалиш билан бошланади. Мушук жуда тажовузкор ҳамда хужумкор бўлиб, дуч келган ҳайвонлар, одамларга ҳам ташланади, уларни тирнайди ва тишлайди. Касаллик бошланганидан икки-уч кундан кейин фалаж мушук ҳалок бўлади.

Одамларда кутуриш касаллигининг яширин даври етти кундан бир йилгача чўзилиши мумкин. Аксарият ҳолларда касалликнинг яширин даври ўртача икки-уч ой давом этади. Бу вақт қисқа ёки узок давом этиши вирус хусусиятлари, одамнинг касалликлар билан курашиш қобилияти, тишлаган ҳайвоннинг тури, жароҳатнинг қаерда жойлашганлиги, катта-кичиклиги ва чуқур-юзакилигига боғлиқ бўлади. Бошланғич давр бир-уч кун давом этади. Бу вақт давомида тишланган жой қичийди, тортишиб оғрийди. Бемор тушқунликка тушади, одамлар билан мулоқотдан қочади, уйқуси бузилади, иштаҳаси бўғилади, кўрқув ҳисси пайдо бўлади, кайфияти ўзгариб туради. Кейин касалликнинг кўзгалиш даври бошланади. Касалликнинг шу даврини кузатган олим Д. Самойлович эсдаликларида шундай ёзиб қолдирган: "Инсоният дунёга келибдики, қанчадан-қанча касалликларни бошдан кечирган, аммо кутуриш касаллигига чалинган бемор ахволини кўришдек кўрқинчли ва даҳшатлироқ ҳолат бўлмаса керак".

Ҳақиқатан ҳам кутуриш касаллигининг кўзгалиш даври оғир кечади. Бир марта шундай касални кўрган одам ҳеч қачон ёдидан чиқара олмайди, унинг ҳаётида бу ҳолат бир умрга муҳрланиб қолади.

Касалликнинг кўзгалиш даврида беморнинг тана ҳарорати кўтарилсади, қон томирлари уриши тезлашади, у сувни кўрганда, ҳаттоки сув тўғрисида эшитганда, ютиш мушаклари тортишиб, қисқариб, қаттиқ оғрийди, яъни беморда гидрофобия аломати кузатилади. Кейинчалик ҳаводан (аэрофобия), ёруғликдан (фотофобия) ва шовқиндан кўрқиб (акустофобия) аломатлари ҳам юзага келади. Беморнинг батани терлайди, оғзидан кўп сўлак оқа бошлайди, нафас олиши бузилади, мушаклар тортишади, эс-ҳуши кирарли-қиқарли бўлиб, кўзига йўқ нарсалар кўринади (галлюцинация), алаҳсирайди.

Шундан сўнг касалликнинг фалаж даври бошланади. Секин-аста бемор оёқлари, орадан 15-20 соат вақт ўтгач эса тананинг бошқа мушаклари ҳам фалаж бўлади. Сўлак оқиши давом этаверади, тана ҳарорати яна кўтарилсади. Юрак-томир фаолияти етишмаслиги ёки нафас марказининг фалажи оқибатида у ўлади. Касаллик ҳайвонларда бўладими ёки одамда, ўлим билан тугайди. Бугунги кунгача бу даҳшатли касалликнинг самарали даволаш усуллари ишлаб чиқилмаган. Шу боис ҳам биз кўпроқ кутуриш касаллигининг олдини олиш, ундан сақланиш ҳақида ўйлашимиз керак. Касалликнинг олдини олишнинг олтин қоида-си бор, у ҳам бўлса ҳайвон тишлашидан сақланиш, бордию тишланиш содир бўлса, шу захотиёқ тегишли тиббиёт муассасасига мурожаат қилиб, кутуришга қарши эмлаш зарур. Кутуриш аввало ҳайвонлар касаллиги, одамга фақат ҳайвонлардан юқади. Шу сабабли касалликнинг биринчи навбатда ҳайвонлар ўртасида қайд этилишига йўл қуймаслик керак.

Минг афсус билан таъкидлаш жоизки, республикаимиз миқёсида аксарият фуқаролар ит сақлаш қоидаларига риоя қилмайди, ҳаттоки бу қоидаларни яхши билмайди, сақлаш ва парваришлаш бўйича ит эгаларида амал қилмаслик ҳолатлари учрайди. Одамлар асосан уйда сақланаётган итлар тишлаши натижасида жабрланиши шу боисдандир. Бу борада республикаимиз икки қишлоқ туманида охирги беш йиллик маълумотлар таҳлил қилинганда, ит сақланади-

ган хонадонларда 65 фоиз ҳолатларда итлар ветеринария идоралари ҳисобига олинмаганлиги, бу борада гувоҳнома йўқлиги, 85 фоиз ҳолатларда итлар боғлиқсиз юрганлиги, 90 фоиз ҳолатларда ит эгалари уй ҳайвонини сақлаш қоидаларига умуман ёки тўлиқ риоя қилмаслиги, 60 фоизга яқин ит эгалари кутуриш касаллиги одамга асосан итлардан юқишни билмаслиги аниқланган. Бундай ҳолатларни республикаимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳайвон тишлашидан жабрланганларни эмлаш учун давлатнинг миллион-миллион маблағлари сарфланаётганлиги кўпчиликка сир эмас. Фуқаролар ҳайвон тишлаши натижасида ҳам жисмоний, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўради, энг даҳшатлиси ва кўрқинчлиси – уларда ўлим муқаррар бўлган кутуриш касаллигининг юқиш ҳавфи тугилади. Баъзилар итини касал бўлгани ёки боқа олмагани учун кўчага ҳайдайди ёки қаерларгадир ташлаб келади. Шу тариқа бу итлар кейин қаровсиз, дайди бўлиб, кутуриш касаллиги манбаи сифатида атрофдагиларга жуда катта хавф туғдиради. Бугунги кунда республикаимизда дайди итларни йўқотиш масаласи ҳам катта бир муаммога айланиб қолган. Бу муаммони эса айнан фуқароларимизнинг ўзи туғдирапти. Чунки дайди итлар бошқа ҳудудлардан ёки ўзга "сайёра"дан келиб қолмайди.

Ҳудудларда дайди ҳайвонлар, айниқса ит ва мушуклар пайдо бўлишига йўл қуймаслик, эгали ит ва мушукларни сақлаш қоидаларига мунтазам ва пухта амал қилиш, уларни ўз вақтида ветеринария идораларида ҳисобга олиб, кутуриш касаллигига қарши эмлаш, энг асосийси одамлар ҳайвонлар тишлашидан жабрланиши – ўта хавfli, бедаво ҳисобланган кутуриш касаллигидан сақланишининг гаровидир.

Хусан САПАРОВ,
Республика ДСЭНМ ўта
хавfli юқумли касалликлар
бўлими бошлиғи, тиббиёт
фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2012 йил 27 декабрдаги 17-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг ўз хоҳишига кўра тугатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

№	Хўжалик номи	Тиббий фаолият ва етказиладиган хўжалик номи	Фирма номи	Лицензия рақами
1	Ташкент шаҳри	Измаз тумани, Янгилик 1-тоғ кўчаси, 13-уй	"DOCTOR SHAHNOZA-TAYY" хусусий корхонаси	180-3968 28.08.2011 й. Берилган
2	Ташкент шаҳри	Самарқанд тумани, Янги Самарқанд кўчаси, 51-уй	"PARENTS HOLIDAY" МЧК	180-4238 20.08.2011 й. Берилган
3	Ташкент шаҳри	Самарқанд тумани, Янги Самарқанд кўчаси, 51-уй	"DIAGON" МЧК	180-3175 20.08.2011 й. Берилган
4	Ташкент шаҳри	Челокор тумани, Челокор 6-маҳалла, 6/1-уй	"STAR MED-CENTER" шўъба корхонаси	1432-69 17.07.2012 й. Берилган
5	Ташкент шаҳри	Яккасарой тумани, А. Калалар кўчаси, 24-уй	"DENTA-ROKAR" МЧК	3297-тёб. 04.03.2009 й. Берилган
6	Ташкент шаҳри	Юсуфобод тумани, 8-маҳалла, 20-уй	"YUNKON-SERVIS" МЧК	103251-тёб. 30.04.2007 й. Берилган
7	Ташкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, Марказ-14, 23-уй, 13-қоғнадан	"DLOS-LIMD" МЧК	180-2671 29.08.2010 й. Берилган
8	Ташкент шаҳри	Косаларой тумани, М. Таробий кўчаси, 17-уй	"STOMA-MED-SERVIS" МЧК	3674-тёб. 18.04.2004 й. Берилган
9	Ташкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, 7. Юсуф кўчаси, 6-й, 2-қоғнадан	"DENTA-NURT" МЧК	4162-тёб. 24.01.2005 й. Берилган
10	Ташкент шаҳри	Юсуфобод тумани, 5-маҳалла, 21-уй, 62-қоғнадан	"ABDULLA-DENT" хусусий корхонаси	5441-тёб. 15.05.2006 й. Берилган
11	Ташкент шаҳри	Юсуфобод тумани, 2-маҳалла, 7-уй, 173-қоғнадан	"LOUTA" хусусий фирмаси	3904-тёб. 10.09.2004 й. Берилган
12	Ташкент шаҳри	Юсуфобод тумани, 4-маҳалла, 21-уй, 29-қоғнадан	"USMON-NADAR-UMRABOVI" МЧК	5440-тёб. 15.05.2006 й. Берилган
13	Ташкент шаҳри	Сарғай тумани, Самарқанд кўчаси, 103-1-А уй	"MAGNA STOM" хусусий корхонаси	15306-тёб. 05.10.2007 й. Берилган
14	Ташкент шаҳри	Самарқанд тумани, 2-й кўчаси, 12-уй	МЧК шаклидаги "STERLING MEDICAL GROUP" шўъба корхонаси	180-3823 20.08.2011 й. Берилган
15	Ташкент шаҳри	Зангата тумани, Хонобод КФЙ, Якубова кўчаси, 5-уй	"BILLUR STOM" хусусий корхонаси	5535-тёб. 13.07.2005 й. Берилган
16	Ташкент шаҳри	Сарғай тумани, Волмурад кўчаси, 75-уй	"MACSUDJOM" хусусий корхонаси	Ю-0862 31.10.2008 й. Берилган

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2013 йил 17 январдаги 1-сонли қарорига асосан тиббий фаолият учун берилган лицензияларнинг ўз хоҳишига кўра тугатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

№	Хўжалик номи	Тиббий фаолият ва етказиладиган хўжалик номи	Фирма номи	Лицензия рақами
1	Ташкент шаҳри	Яккасарой тумани, Ганжа кўчаси, 10-уй	"LA SANTE DR DUNOY" МЧК	1380-00 18.08.2012 й. Берилган
2	Ташкент шаҳри	Юсуфобод тумани, 13-маҳалла, 2-уй, 190-қоғнадан	"DOCTOR ABDULLOHIT" хусусий корхонаси	28.07.2009 й. Берилган
3	Ташкент шаҳри	Яккасарой тумани, 9. Ноҳар кўчаси, 50-уй, 13-қоғнадан	"BOMI FALHON" МЧК	8040-тёб. 29.03.2007 й. Берилган
4	Ташкент шаҳри	Челокор тумани, Волган кўчаси, 10-уй	"ANTIMAP" хусусий фирмаси	2030-тёб. 03.04.2001 й. Берилган
5	Ташкент шаҳри	Челокор тумани, Муқимий кўчаси, 6-уй	"MENSURATOV" МЧК	31.01.2011 й. Берилган
6	Ташкент шаҳри	Самарқанд тумани, Р. Раҳим кўчаси, 2-А уй, 10-й/б	"SERVIS-MED" МЧК	Ю-1164 30.01.2012 й. Берилган

17	Навоий вилояти	Навоий шаҳри, Қармақ тумани, Абдураҳмонова кўчаси, 51-уй	"Стон-Марварид" хусусий фирмаси	3275-тёб. 04.03.2009 й. Берилган
18	Жиззақ вилояти	Дўстлик тумани, Мевазор КФЙ, Мевазор кўчаси, 7/12-қоғнадан	"DO STUK DURGONASI" с/е тармоқли хусусий фирмаси	Ю-0019 05.12.2009 й. Берилган
19	Самарқанд вилояти	Бугунгур тумани, Бугунгур шаҳарчаси, 2-уй	"Stomatolog" хусусий шифобахтарлик тиббиёт фирмаси	3276-тёб. 04.03.2009 й. Берилган
20	Фаргона вилояти	Фаргона шаҳри, А. Навоий кўчаси, 1-А уй	"ВОДНИЙ НАМУНА ДЕН СЕРВИС" МЧК	5411-тёб. 22.02.2008 й. Берилган
21	Фаргона вилояти	Марғилон шаҳри, Мустандилек кўчаси, 525-уй, 30-қоғнадан	"KALON" хусусий фирмаси	180-2568 30.04.2010 й. Берилган
22	Фаргона вилояти	Кўрғон шаҳри, Туркистон кўчаси, 52-уй	"Мансура клиникаси" МЧК	2914-тёб. 12.12.2002 й. Берилган
23	Фаргона вилояти	Ўзбекистон тумани, А. Жомий кўчаси, 25-уй	"Саломатлик САДАВ" хусусий поликлиникаси	3191-тёб. 18.10.2002 й. Берилган
24	Наманган вилояти	Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 19-уй	Наманган вилояти Нотринал клиникаси шўъба корхонаси "BARKANOL SOGLOM MED-SERVIS" шўъба корхонаси	0002-01 04.05.2012 й. Берилган
25	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри, Рудий кўчаси, 7-уй, 18-қоғнадан	"DENTA-STOMASERVIS-TERMIZ" хусусий корхонаси	6012-тёб. 28.02.2007 й. Берилган
26	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 38-А уй	"Термиз Тиб-Нур" хусусий корхонаси	5611-тёб. 09.08.2006 й. Берилган
27	Сурхондарё вилояти	Шеробод тумани, Мустандилек кўчаси, 64-уй	"Фарос" хусусий стоматология поликлиникаси	Ю-0068 14.10.2004 й. Берилган
28	Сурхондарё вилояти	Термиз шаҳри, Ёллик кўчаси, 7/7	"СУРХОН ДИПНОСТИКА МАРКАЗИ" хусусий корхонаси	6230-тёб. 22.08.2007 й. Берилган
29	Қашқадарё вилояти	Қарши шаҳри, Навоий кўчаси, 26-А уй	"Физиомед диагностика" хусусий шифохонаси	4823-тёб. 06.12.2004 й. Берилган
30	Сурхондарё вилояти	Шўрчи тумани, Давлатов кўчаси, 5/у	"Шодива" хусусий стоматология кабинети	Ю-0191 24.08.2009 й. Берилган
31	Сурхондарё вилояти	Шўрчи тумани, Мустандилек кўчаси, 50-уй	"Хусусий ортопедия стоматология шифохонаси"	3923-тёб. 08.10.2004 й. Берилган
32	Бўғора вилояти	Бўғора тумани, "Усмон Юсуф" шаҳарчаси кўчаси, 4-б/қоғнадан	"AZNE MHOON" хусусий табиobat фирмаси	2990-тёб. 30.05.2002 й. Берилган
33	Бўғора вилояти	Бўғора тумани, Шерифан КФЙ, Табаков кўчаси	"CHORBAK MOYORUMNAK" хусусий корхонаси	5849-тёб. 26.12.2006 й. Берилган
34	Қорақалпоғiston Республикаси	Нуркус шаҳри, А. Дронларов кўчаси, 110-А уй	"Қорақалпоғiston Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика паталогия маркази"	4734-тёб. 12.08.2005 й. Берилган
35	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри, Бўстон кўчаси, 2/1-уй	"DENTIC" хусусий медицина фирмаси	180-4424 23.08.2009 й. Берилган

7	Ташкент шаҳри	Юсуфобод тумани, 14-маҳалла, 13-уй, 14-қоғнадан	"DLO-SANOD" хусусий корхонаси	180-2044 20.12.2010 й. Берилган
8	Ташкент шаҳри	Челокор тумани, Санат 2-тоғ кўчаси, 20-уй	"KRODTA-MEDIT" хусусий корхонасининг фискал филиали	Ю-0108 26.12.2005 й. Берилган
9	Ташкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, 1-проект, Кўрғон кўчаси, 100-уй	"DENTA-SERVIS" МЧК	4040-тёб. 17.08.2005 й. Берилган
10	Ташкент вилояти	Кўрғон тумани, Акжўра КФЙ, Ойкулбаев кўчаси, 181-уй	"TO LAMM XOL" хусусий фирмасининг фискал филиали	8460-тёб. 22.02.2008 й. Берилган
11	Ташкент вилояти	Кўрғон тумани, Чанобод КФЙ, А. Жомий кўчаси	"Serbis" хусусий корхонаси	4017-тёб. 20.08.2005 й. Берилган
12	Ташкент вилояти	Давлатов шаҳри, 2-уй, 1-й, 1-3-қоғнадан	"ALD DENTA LUKO" хусусий корхонаси	Ю-0362 28.11.2008 й. Берилган
13	Ташкент вилояти	Ўрта Чирчиқ тумани, Ганжа шаҳри, Нукус кўчаси, 84-уй	"STOMA-SERVIS MOJIDA" хусусий корхонаси	5035-тёб. 26.12.2006 й. Берилган
14	Андижон вилояти	Бувайлош КФЙ, Тошкент кўчаси	"Сўвайлош Хаво" хусусий корхонаси	Ю-0204 05.12.2009 й. Берилган
15	Қорақалпоғiston Республикаси	Берулий тумани, Қурбобий кўчаси, Бакиров уй	"TUBAL" хусусий стоматология поликлиникаси	3269-тёб. 04.03.2005 й. Берилган
16	Хоразм вилояти	Гўлстан тумани, П. Маъруф кўчаси, 20-А уй	"Dentlab" хусусий клиника корхонаси	3020-тёб. 19.07.2004 й. Берилган

Кун мавзуси

ГРИППДАН ЭҲТИЁТ БЎЛАЙЛИК

Грипп ўткир ва тез юқадиган касаллик бўлиб, уни жуда майда, кўзга кўринмайдиган, ҳатто филтрдан ҳам ўтиб кетадиган вируслар келтириб чиқаради. Касалликнинг асосий манбаи эса грипп билан оғриган бемор ёки вирус ташувчилар ҳисобланади.

Касалликнинг энгил тури билан оғриган беморлар ва вирус ташувчилар атрофдаги соғлом кишилар учун хавф туғдиради, чунки улар грипп билан оғриб турсада, соғлом кишилар орасида бўлади.

Касаллик ҳаво-томчи йўли билан ўтади. Бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда сўлак томчилари билан ҳавога кўп рақат грипп вирусларини ажратди. Вируслар ҳавода уч соат сақланиб туриши мумкин. Бундай вазиятда касаллик соғлом одамга юқди. Грипп вирусни оғиз, бурун, томоқ ва юқори нафас йўллари шиллиқ пардасига таъсир қилади ва қон оқимиға тўшиб, бутун организмни захар-

лайди. Нафас, асаб, юрак қон-томир тизими ва бошқа аъзоларни зарарлайди.

Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлганга қадар бир неча соатдан уч кунгача вақт ўтади. Касаллик шиддат билан бошланади, беморнинг тинка-мадори қурийд, боши оғрийд, йўталди, акса уради, тана ҳарорати 38-40 даражагача кўтарилади, кўп терлайди. Мушаклари ва кўз олмаси оғрийд, кўздан ёш оқди. Бундай белгилар пайдо бўлиши биланоқ шифокорға мурожаат қилиш шарт. Акс ҳолда касаллик оғир асоратлар келтириб чиқариши мумкин.

Агар бемор уйда бўлса, унга алоҳида хона ажратиш лозим.

Беморға қараб турадиганларға касалликнинг олдини олиш йўллари ўргатиш керак. Беморнинг алоҳида идиш-товоғи, сочиғи, ўрин-кўрпаси бўлиши, у кам ҳаракат қилиб, асосан ётиши муҳим. Беморға қараётганлар бурун ва оғизларига доқа ниқоб тутиб олишлари, қўлларини тез-тез совунлаб ювиб туришлари керак. Бемор йўталганда, акса урганда оғиз-бурнини дастрўмол билан беркитиши лозим. Бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб туриш шарт. Ҳарорати ошганда эса кўпроқ суюқлик – қуруқ мевалар қайнатмаса, шарбат ичириш, энгил ҳазм бўладиган оқсил ва витаминларға бой таомлар тановул қилиши муҳим. Грипп билан оғриган ва унга гумон қилинган беморларни алоҳида хоналарға ётқизиш, хоналарни зарарсизлантирувчи моддалар билан артиш зарур.

Грипп эпидемияси авж олган

пайтларда мактабгача таълим муассасалари ва мактабларда ўқитувчи ва ўқувчилар доқа ниқоб тутиб олиши шарт. Касаллик тарқалган пайтда касалланганлар ўқув ва тарбия муассасаларида бўлиши тақиқланади. Ҳар кун ирталаб боланинг

иситмасини ўлчаб туриш керак. Шунингдек, болалар оммавий спорт ўйинлари ўйнаши ва кино-театрларға гуруҳ-гуруҳ бўлиб боришининг олдини олиш лозим. Бемор асло ўз билганича даво-ланиши мумкин эмас.

Фойдали маслаҳатлар

* Шамоллашда малина мураббосигина фойдали бўлиб қолмай, унинг барги ва шохидан тайёрланган дамлама ҳам яхши терлатади. Бундай дамлама нафас йўллари яллигланганда, томоқ оғриганда, шунингдек балғам кўчиришда ишлатилади.

* Малина меваси ва баргини чой қаби дамлаб, кунига уч-тўрт маҳал иссиқ ҳолда ичилса, терлатади ва ичтимани туширади. Чой ичилгандан сўнг ўралиб ётиш керак.

* Оддий бодрезак (чингиз) ва малина мевасидан 100 г дан олинади. Шу йиғма уч ош қошиғи кечкурун термосға солинади, устиға уч стакан қайноқ сув қуйиб, икки соат дамлаб қўйилади. Сузиб ичилади.

* Қора зира дамламаси шамоллашға шифо бўлади.

* Арпабодиён анжир билан қайнатиб ичилса, шамоллашға даво.

Лобар ЗОКИРОВА.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти соғлом турмуш тарзи тарғиботи ва ўқитиш бўлими мудири.



Красота родного края в моем сердце навсегда.

«101» хизмати

ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 21 та даволаш муассасасида шу кунларда ёнгин хавфсизлиги бўйича текширувлар давом этмоқда. Анъанавий ўтказиладиган бундай тадбирлар давомида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш юзасидан муассаса раҳбарияти ва ҳодимларга доимо эслатиб ўтилади.

Бепарволик, балки, бироз эътиборсизлик оқибатида ҳаётимизга ҳавф солувчи кўнгилсиз воқеалар содир бўлишининг олдини олиш учун меҳнат жамоасининг ҳар бир вакили ўз вазифасини тўлиқ бажариши қаторида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига ҳам риоя қилиши лозимдир.

Шу ўринда хизматимиз доирасида даволаш муассасаларида кўйидаги ёнгинга қарши тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб биламиз. Жумладан:

- беморлар хонаси жойлашган корпусларда даволаш жараёни билан боғлиқ бўлмаган (лоийҳалаштириш меъёрларида кўрсатилганидан ташқари) бошқа хоналарни жойлаштириш;
- йўлак, хона ва бошқа кўтқарув йўлакларига каравотлар ўрнатиш;
- беморлар ва хизматчилар хоналари деразаларига металл панжалар ўрнатиш;
- ёғочли деворлар ва шифтларга қоғоз елимлаш ва уларни ёнғичи нитро- ва мойли бўёқлар билан бўяш;
- хоналарни жиҳозлашда ёниш даврида заҳарли моддалар чиқарувчи материаллардан фойдаланиш;
- кислород баллонларини даволаш муассасалари бинолари ичига ўрнатиш;
- беморлар хоналарига кислород юбориш учун резина ва пластмасса қувурларидан фойдаланиш;
- носос даволаш электр жи-

ҳозларидан фойдаланиш;

- иситиш печлари ўт ёқиш эшикларини беморлар хонасига ўрнатиш;
- даволаш муассасалари ертўлаларида устахона, омборхоналарни жойлаштириш мумкин эмас.

Тиббиёт асбобларини стерилизация қилиш, парафин эритиш мосламаларини ўрнатиш ва ишлаш фақат шу мақсад учун ажратилган хоналарда амалга оширилиши керак. Асбоб ва ускуналарни қайнатиш учун ёпиқ спиралли стерилизаторлардан фойдаланиш зарур.

Лаборатория, бўлимлар, шифокорлар хоналарида дори-дармон реактивлари, эфир спирти, бошқа энгил алангаланувчи ёки ёнғичи суюқликлар махсус ёпиладиган металл шкафларда умумий миқдори уч килограммдан ортмаган ва ўзаро бир-бирига яқин жойлаштириш мумкин бўлгандагина, сақлашга рухсат этилади.

Ҳажми 300 килограммдан зиёд бўлган рентген плёнкалари сақлаш архиви алоҳида биноларда жойлаштирилиши керак. Архивнинг иситиш тизими марказлаштирилган тармоғига уланган бўлиши лозим, лекин темир қувурли печлардан фойдаланиш тақиқланади.

Даволаш муассасаси раҳбари ҳар кун қабул қилинган ва уйига жавоб берилган беморлар ҳисоби олингандан сўнг қолган даволанувчилар сони ҳақида туман ўт ўчириш қисмига хабар бериши шарт.

Мустақил ҳаракат қила олмайдиган беморлар бўлган касалхоналар ҳар ўн та беморга бир дона ҳисобида махсус замбил билан таъминланиши, оғир беморлар учун мўлжалланган хоналар бинонинг пастки қаватида жойлаштирилиши керак.

Беморлар хонасидаги ўриндиклар оралиги 0,8 метрдан, марказий (асосий) йўлак кенлиги 1,2 метрдан кам бўлмалиги шарт. Ўриндик, тумбочка ва бошқа мебеллар кўтқарув йўлакларини таъминлаш мумкин бўлмаган.

Муассасада кислород таъминоти марказлашган ҳолда йўлга кўйилган бўлса, кислород ёстиқчалардан фойдаланиш тартиби буйруқ билан ташкил этилади.

Ушбу ёнгинга қарши чоратадбирларга риоя қилинса, авваламбор уйимиз, иш жойимизни ёнгиндан ва кулфатдан асраган бўламиз.

Яқунда шуни эслатиб ўтмоқчимизки, айни пайтда республикаимиз ҳудудида ёнгин хавфсизлиги хизмати «01» телефони рақами «101»га ўзгартирилди. Агарда ёнгин содир бўлганини сезсангиз, зудлик билан «101» телефон рақамини териб, ёнгин хавфсизлиги хизматида нима ёнаётгани тўғрисида хабар беринг, воқеа жойининг аниқ манзилини айтинг. Ёнгин инсонлар ҳаётига ҳавф солаётган бўлса, ёрдам бериш учун катталарни чақиринг.

Унутманг, ёнгиннинг олдини олиш оловни ўчиришдан осон. Ўт балоси доим четлаб ўтишига ҳаракат қилайлик

И. МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳри,
Миробод тумани ИИБ
ЎХБ катта муҳандиси,
сержант.

На житейских перекрестках

КАЛЕЙДОСКОП

Девять месяцев я ждала тебя. Разговаривала, смеялась, читала сказки и пела песни. Представляла, как возьму тебя в руки и почувствую тепло твоего тела.

После целого дня раздирающей боли все как-то резко закончилось. В голове стоял туман, но дышать стало легче. Приподняв голову, смотрю на свое непривычное тело. Живота нет, я вижу озабоченное лицо акушера-гинеколога Натальи Эдигеевны, моей коллеги. Она надавливает мне на низ живота, и лицо ее становится еще более озабоченным:

– Давай! – тихо говорит она акушерке. Я, все еще не понимая, пытаюсь обернуться, ищу глазами ее...

– Тише ты! – слышу я и чувствую, как в руку входит игла. Вместе с последней каплей раствора я улетаю вверх, ввинчиваясь через калейдоскоп красок в беспросветную темноту.

Темнота. Всплеск синего. Снова темнота. Один за другим переливы красного и ярко желтого... Темнота. Холодно. Мне куда-то надо торопиться. Меня ждут. Я знаю. Темнота вокруг, но я знаю, мне надо назад. Всплеск синего. Красный и желтый сменяются фиолетовым. Краски начинают вертеться ярким хороводом вокруг меня, выстраиваясь в причудливые фигуры. Что-то это мне напоминает. Я напрягаюсь, чтобы вспомнить. Фиолетовый. Малиновый. Снова темнота, ненадолго. Светло, очень ярко, краски меня слепят, но мне так здесь хорошо. Калейдоскоп... Я вспомнила, это калейдоскоп. Детская игрушка, помните? Вертите трубу и смотрите внутрь. Цветные кусочки с загадочным шуршанием перестраиваются в разные фигуры, завораживая меня.

Это была моя мечта в детстве. Смотреть часами, как причудливо складываются фигуры, ни разу не повторив

комбинацию. Всполох ярко оранжевого сменяется белым, складывающимся в почку лениво ползущего вверх кафеля. Кафеля? – Мысль меня просто пронзила насквозь, заставив вздрогнуть. Зачем он здесь, в моей стране красок? Мне хотелось обратно, кафель меня пугал, внизу живота сразу чувствовался холодок. Но калейдоскоп тускнел, все меньше было фигур, кафель проступал все отчетливее. Я еще не понимала, где я, но кафель стала различать лучше. Он был везде, вскоре краски пропали совсем и остался только белый больничный кафель. Я услышала, как капает вода в раковине – большими гулкими шлепками, разносясь по пустой операционной. Теперь я вспомнила все – озабоченный взгляд врача, укол, калейдоскоп. Самое главное, поняла, почему я здесь. Среди звуков пустой операционной, шума в ушах и гулкой капели из крана я расслышала ЕЕ. Повернула голову в ту сторону. Чуть не упав со стола и не уронив лед в бутылке с живота, я увидела мое ЧУДО! ЕЕ, кого ждала всю мою сознательную жизнь. Дочь моя долгожданная лежала на пеленальном столике, завернутая в одеяло непонятного цвета. Личико ее было туго завернуто в пленку, но это совсем не мешало ей двигаться, зевать и морщиться.

Я застыла, слезы невольно потекли у меня по щекам, скатываясь на клеенку стола. Я перестала себя чувствовать. Не было боли, холода и мучений. Была только ОНА – начало моей новой жизни, жизни с ней и ради нее, моей самой любимой дочки.

Наргиза ФАРХАДОВА.

Обуна – 2013



**Хурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2013 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Азиз тиббиёт ходимлари ва муштарийлар!**

**Республика тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар, фаолиятлар ҳамда янгиликлардан хабардор бўлишни истасангиз сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.**

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси кўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 9442 нусха.
Буюртма Г-245.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Нашратчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

